

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА –ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“Мухандислик коммуникациялари қурилиши”
факультети**



401-Геодезия, картография ва кадастр гуруҳи битирувчиси

Сафаров Алишер Абдуражабович

**“Монтаж горизонтига қурилиш ўқлари ва баландликларни
кўчиришда қўлланиладиган усуллар ва асбоблар тахлили.”
мавзусидаги**

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ

Тушунтириш хати _____бет (формат А-4)

чизмалар _____варақ (формат А-2)

Кафедра мудири:

доц. Д.Журакулов

Диплом лойиҳа раҳбари:

доц. Д.Журакулов

САМАРҚАНД – 2013 йил

Мундарижа

Монтаж горизонтига қурилиш ўқлари ва баландликларни кўчиришда қўлланиладиган усуллар ва асбоблар тахлили.

Кириш.

I-Боб. Баланд иморатлар қуришда геодезик аниқликни тامينлаш.

1. Қурилиш конструкциялари монтаж ишлари аниқлигига бўлган талаблар.
2. Қурилиш монтажи горизонтидаги лойихалаш усуллари.
3. Монтаж горизонтига ўқларни кўчириш ва разбивка қилиш асбоб ускуналари.
4. Монтаж горизонтига нуқта, створ, йўналишларни ўрнатиш ва маҳкамлаш.

II-Боб. Монтаж горизонтига ўқларни, баландликларни кўчириш технологияси ва сифатини баҳолаш.

1. Монтаж горизонтига ўқларни, баландликларни қия лойихалаш.
2. Монтаж горизонтига йўналишни лойихалаш.
3. Монтаж горизонтига қия ёнбошли лойихалаш.
4. Монтаж горизонтига вертикал лойихалаш.

III-Боб. Мехнат хавфсизлиги ва атроф мухит муҳофазаси.

IV-Боб. Геодезик ишлар иқтисодиёти.

Интернет малумотлари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ.

Бино иншоотларни қуриш жараёни бино иншоат пойдеворини ётқизишдан бошланади, шунинг учун пойдевор ётқизишда унинг бино иншоат ўқиға нисбатан тўғри жойланишини текшириб бориш зарур. Бунинг учун илгари ўрнатилган геодезик асос нуқталардан репер ва отметкаси аниқланган темир қозиклардан фойдаланилади, шунга кўра бино ўқлари режаланади.

Бу режаланган ва жойда белгиланган ўқлар асосида зарур калонналар ёки қурилиш конструкциялар ўрнатилади.

Бино конструкцияларининг тўғри жойлашуви колонналарнинг ёки айрим ускуналарнинг тўғри яъни лойиха асосида ўрнатилишига боғлиқ, бу эса ўз ўрнида бутун бинонинг тўғри қурилишига замин яратади.

Қурилиш конструкциялари ва технологик жихозлар ўқларни тик ҳолатда ўрнатиш талаб қилинган аниқликга боғлиқ равишда турли хил усулларда, турли хил асбобларда ва турли иқлим шароитларида амлга оширилади.

Бу эса ўз ўрнида ўлчашлар жараёнида турли хил хатоликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Бу хатоликлар эса бинонинг умумий қурилиш структурасига тасир кўрсатиб, бинонинг геометрик ўлчамлари, яъни эни, бўйи, баландлиги, вертикаллиги, бинонинг чўкиши, горизонтал силжиши каби деформатсион хатоликларга олиб келиши мумкин.

Демак, қурилиш конструкцияларини монтаж қилишда, уларнинг ўқлари ва баландликлари монтаж ўқларига мос келиши учун кўп қаватли биноларнинг монтаж горизонтига (монтаж қилинаётган қаватга) қурилиш ўқлари ва абсолют баландликларини кўчириш ҳамда унга тегишли асбобларни қўллаш ва шу асосида ҳар бир қаватда монтаж ишларини олиб бориш масаласи қурилишнинг долзарб масаласи ҳисобланиб, танланган диплом лойиха мавзусининг долзарблигини асослайди.

Агар қурилиш жараёнида монтаж ўқлари ва абсолют баландликларни лойихадагидек монтаж горизонтига кўчирилса ва улар инобатга олиниб қурилиш давом эттирилса, қурилган бинодан фойдаланиш муддатига муддат кўшилган бўлар эди.

I-Боб. Баланд иншоотлар қуришда геодезик аниқликни тaминлаш.

1.Қурилиш конструкциялари монтаж ишлари аниқлигига бўлган талаблар.

Пойдевор қурилиши ишлари тугаллангандан кейин монтаж ишлари қурилиш конструкциялари ва технологик қурилмаларни лойихавий ҳолатда ўрнатиш амалга оширилади.

Бу ишлар аниқлиги «Қурилиш меъёри ва қоидалари» га асосланган ҳолда, геодезик ишларни бажариш лойихасида берилади.

Агарда лойихадан четлашиш чекини δ билан белгиласак у ҳолда бинонинг мураккаблиги ва масулиятига боғлиқ равишда геодезик ўлчашлар ўрта квадратик хатолиги m_r ни тaминлаш эҳтимоллиги $p=0.955$ учун қуйидагича қабул қилиш мумкин:

$$m_r = \frac{1}{4}\delta$$

$P=0.997$ учун эса

$$m_r = \frac{1}{6}\delta$$

Айрим монтаж ишлари учун m_r хатолик қиймати 1-жадвалда келтирилган.

Конструкциялар ва ускуналарни лойиха бўйича ўрнатишдаги ишлар ва ўрта квадратик хатоликлар қийматлари:

1-жадвал

	Бажариладиган ишлар таркиби	Геодезик ўлчаш ўрта квадратик хатолиги, мм.
2	Конструкцияларнинг планли ҳолатда ўрнатилишини назорат қилиш. (режалаш ўқларига нисбатан):	
	- анкер қурилмалари ва темир бетон санок ўқлари;	2
	- метал ва темир бетон колонналар ўқлари;	1
	-балка, ферма, рига ўқлари;	2
	-девор панеллари ва блоклар ўқлари;	1
	Конструкция ўқлари тиклигининг назорати (юқори қисмининг тикликдан четлашиши);	
	1)метал ва темир бетон колонналар ўқлари	2
	а)баландлиги 5м гача;	3
	б)баландлиги 15м гача;	
	в)баландлиги 15м дан юқори;	0.0002Н, лекин 7мм дан кичик.
	2)қўп қаватли биноларда колонналар ўқлари (п-қаватлар сони);	2*п
	3)девор панеллари ва блоклар ўқлари;	1

Қурилиш конструкциялари ва айрим қурилмаларни лойихавий ҳолатда ўрнатиш ишлари аниқликлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

-қурилиш конструкцияларининг горизонтал ҳолати аниқлиги (фундаментлар, колонналар, балкалар, фермалар, панел девор ва бошқа монтаж ўқларининг силжиши);

-қурилиш конструкцияларининг баландлик ҳолати аниқлиги (барча конструкцияларнинг лойихавий баландликдан ўзгариши);

-қурилиш конструкцияларининг вертикал (тик) ҳолати аниқлиги;

-қурилиш конструкцияларининг ўзаро горизонтал ҳолати аниқлиги;

Ушбу қурилиш конструкциялари лойихавий ҳолатда ўрнатиш ишлари аниқликлари III-2-94 «қурилиш меёри ва қоидалари»га асосан қурилаётган биноларнинг қаватлар сонига ва конструкциялар турига боғлиқ бўлади

Қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш жараёни асосан геодезик асбоблар билан кузатилиб борилади, бунда барча қурилиш конструкцияларини лойихавий ҳолатда ўрнатиш учун геодезик асбоблар ёрдамида белгиланган аниқликларни таянлаш амалга оширилади.

Қурилиш конструкцияларини лойихавий ҳолатда ўрнатишдаги аниқликлар иккинчи жаҳвалда келтирилади.

Лойихавий ҳолатдан ўзгаришлар турлари		Чекли аниқлик қийматлари, мм		
		Темир конструкцияли саноат бинолари учун		Пўлат конструк- цияли
		Бир қаватли	Кўп қаватли	
	1	2	3	4
1. Пойдеворлар				
	Монтаж ўқларига нисбатан силжиши			
	Пастки қатордаги	+/-20	+/-20	-
	Юқори қатордаги	+/-10	+/-10	-
.	Пойдевор стаканлари ўқлари	+/-10	+/-10	-
.	Пойдевор устки юзаси баланд-лигининг лойихага нисбатан ўзгариши:			
	-стаканлар таянч юзаси	-20	-20	-
	-юқоридан ўрнатилган конструк-циянинг таяниши натijasида	+/-10	+/-5	+/-5
.	Пойдевор стаканиниг ички ўл-чамларининг (эни, бўйи) ўзгариши.	+/-20	+/-15	-
.	Бир томони девордан чиқиб турган темир бетон ёки бетонли пойдеворнинг таянч юзаси отметкасининг ўзгариши.	+/-20	+/-20	-
	Анкер болтларнинг	+/-10	+/-10	+/-5

.	горизантал силжиши			
.	Анкер болтлари юқори юзаси отметкасининг ўзгариши	+/-20	+/-20	+/-20
II. Колонналар				
.	Колонна пастки юзаси ўқининг разбивка ўқиға нисбатан силжиши	+/-3	+/-5	+/-5
.	Хар хил баландликдаги колонна юқори юзаси ўқининг вертикал ўзгариши н, м:			
.	4.5 гача	+/-10	+/-10	-
.	4.5 дан 15 гача	+/-15	+/-15	+/-15
.	15 дан юқори	+/-0.001Н 35дан кам	-	+/-0.001Н, 35дан кам.
.	Колонналар тепа отметкалари-нинг фарқи (қаватлар инобатга олинган холда).	-	(12+12*N), N -Қават рақами	-
.	Колонна ўқининг эгилиши	-	-	$\frac{H}{750}$
.	Колонна таянч юзасининг лойихавий отметкаға нисбатан ўзгариши	-	-	+/-5
.	Бита оралиқли балка (ферма) таянч юзаси отметкаси	+/-10	+/-10	-
.				
III. Балкалар, фермалар, ригеллар, устунлар.				

·	Таянч конструкциялари ўқлари-нинг разбивка ўқларига нисба-тан силжиши	+/-5	+/-5	-
·	Фермалар, ригеллар таянч тугунлари отметкаларининг ўзгариши	+/-20	+/-20	+/-20
·	Фермалар, балкалар, ригеллар, юқори қават томи ўқлари ораси-даги масофанинг ўзгариши	+/-25	+/-25	+/-15
·	Устунлар оралиғидаги масофа-нинг ўзгариши	+/-7	+/-7	+/-5
·	Фермалар, ригеллар ва балкалар текислигига нисбатан ўқларнинг эгилиши			Н 750
·				15 дан кам
IV. Девор, пардевор ва том плиталари.				
·	Панели девор ва пардеворлар ўқларининг разбивка ўқларига нисбатан силжиши	+/-5	+/-5	-
·	Панели девор ва пардевор юза текисликларининг вертикал ўз-гариши	+/-5	+/-5	-
·	Панели девор ва пардевор таянч юзаси отметкасининг ўзгариши	10	10	-

Юқоридагиларга асосан барча қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш жараёнида лойихавий отметкалар ва текисликлар хатоликлар ўзгаришлар қийматларини ўрнатилган чеклардан ошмаган ҳолда ўз ўрнига ўрнатиш ишлари махсус геодезик асбоблар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун юқорида ўрнатилган талабларни таминловчи махсус ускуналар ишлаб чиқилиши ёки мавжудлари ттакомиллаштирилиши зарур.

I.2. Курилиш монтажи горизонтидаги лойихалаш усуллари.

Курилатган бинолар геометрияси ва уларнинг алохида қисмлари ҳар бир қаватлари ҳолати конструктив элементларнинг аниқ ва мустақкам бўлишини талаб қилади. Курилатган бинолар конструктив элементларини ўрнатиш проект ҳолати геодезик ишларини олиб боришда ката кенгликни, текислик системасини геометрик фигуралар ўқлари тўғри жойлаштиришга имкон яратади. Базис фигуралар кенгликнинг асоси ҳисобланиб иш бошидан белгиланади.

Монтаж горизонтларида бўлинма асосларини куришда унга мос бўлган бошланғич горизонт ёрдамида базис фигура вертикал нуқталар-бирин кетин навбати билан қўйилиб, монтаж горизонтига мослаштирилади. Конструкция энг асосий жавобгар ҳисобланувчи (каркас калоннаси, каттиқлик ядроси, нефт шахталари, панел ва бошқалар) проект бўйича эгилиши 3...5мм гача бўлиши мумкин. Шундан чиққан ҳолда, конструцияларни ўрнатишда бажариладиган геодезик ёки бажариш съёмкалар 2мм (35%) дан ошмаслиги керак. Геодезик натижалар ҳар бир қаватда ўтказилган геодезик планлар кўрсатилган хато чеки ярим, яъни 1мм бўлиши керак. Ҳозирги кунда, ўқли нуқталарни монтаж горизонтига кўчириш қуйидаги услублари маълум: Эгилиш, оғишни лойихалаш, вертикал лойихалаш, створли, кесиштириш, юкли ўлчов, шовун.

Нуқталарни монтаж горизонтига кўчириш йўллари классификацияси
1-расмда кўрсатилган.



(1-расм)

Оғиш ва вертикал проектлаш услублари оптик, лазер ва системали йўллар билан бажарилади.

Монтаж горизонтларига ўрнатилган технологик схема ўқлари, уларнинг нуқта берилган сони йўналишига боғлиқ. Монтаж горизонтига ўтказилган қуйидаги характерли ҳолларга тўхталиб ўтамыз:

ўқда тўрт нуқта кесишганда (ички ва ташқи) А, В, С, Д (2а расм);

икки нуқта А, В (2б расм);

ўқ билан кесишган икки нуқта А, В (2в расм), хусусий ҳол-уч йўналишда PQ, MN, EF, ўқга мос бўлган (2г расм);

бир озод нуқта А ва нишон Р. (2д расм). Хусусий ҳал-ўқдаги нуқта ва унинг створи PQ (2е расм);

икки йўналиш PQ, MN ўқларга мос (2ж расм);


озод нуқта А икки створ кесишган жой PQ, MN (2з расм).

Монтаж горизонтларида ўлчаш диагоналларни контрол ўлчови қайта ўлчашга йўналтиради, бурчак томонлари зарурият туғилганда А, В, С ва D нуқталари кўриб чиқилади. Нуқталарнинг ўзи эса монтаж горизонтига вертикал ҳолда ёки оғиш проекти асосида ўтказилади. Бу масаланинг технологик усулда бажариш қуйидагича:

Ўқлар кесишган нуқтаси оғиш ёки вертикал проектировка услубларини қўллаш усули билан кўчирилади;

Ўқлар кесишган нуқталар бурчак услуби, линейли ёки АВ базис А ва В эса вертикал ёки эркин створ усули билан кўчириш;

Ўқ йўналиши монтаж горизонтида нуқта А ва В, қолган икки нуқта шу йўналишда жойлашган чизиқли праексияларда топилади



(2-расм)

2-расм. Монтаж горизонтига ўқларни кўчириш схемалари.

- | | |
|---|---|
| а) ўқлар кесишувидаги 4 та нуқтани кўчириш; | д) эркин нуқта ва нишон йўналишини кўчириш; |
| б) эркин жойлашган 2та нуқтани кўчириш; | е) ўқдаги нуқта ва унинг створини кўчириш; |
| в) ўқлар кесишувидаги 2 та нуқтани кўчириш; | ж) икки йўналишдаги ўқларни кўчириш; |
| г) уч йўналишдаги ўқларни кўчириш; | з) створлар кесишадиган нуқтани кўчириш; |

А ва В нуқталари монтаж горизонтига оғиш ёки вертикал проектировка, ўқларининг йўналиши (баъзи холларда) оғиш проектирлаш усули билан кўчирилади;

Мўлжал йўналиши горизонт бошланишидан маркази аниқланиб олинади ёки барча монтаж горизонтларидан кўринадиган ўрни краекаланади. Кесилиш ўқи А нуқтадан қутбий усулида Р йўналишида. Агар нуқта ўк устига ётса PQ бурчаксиз ўлчовда бажарилади. Йўналиш бошидан ва монтаж горизонтидан теодолит визири билан нуқталар ориентир кесишган ҳолати поляр услуби ва гидротеодолит ёрдамида аниқланади:

Хама ўқларнинг кесишган жойлари чизиклили **продек** AP ва AB нуқталар кесишган А тўғри бурчакли қуриш В ва С дан Д линия ёки бурчакли кесиштириш билан аниқланади. PQ ва MN оғиш праекциялар билан кўчирилади.

Ўқларнинг кесишган нуқталари бошланғич 0 услуби ва бир йўналишда қурилади.

I.3.Монтаж горизонтларида тақсимлаш ишлари, асбоб ва ускуналарни ўқларни кўчириш.

Бурчакларни кўтариш ва ўлчаш, оғиш лойихалари, геодезик сетлари техник характеристикаси ГОСТ 10529-79 бўлган тақдирда теодолитлар ёрдамида бажарилади (4 табл). Теодолит ОСТ 13424-68, ОСТ 13007-67 бўйича синовдан ўтказилади.

Бурчак ўлчови фактларга асосан аниқ бўлиши теодолит марказининг аниқлиги ва визир мақсади, нуқталарнинг маҳкамланиши, теодолит тури ва бошқа факторларга боғлиқ. Бурчак ўлчовларининг аниқлик ҳолатлари (5 табл)да берилган.

Сетларни яратишда ката хажмдаги линейли ўлчов ишлари бажарилади. Айниқса, базис сети бошлагич горизонтда ўлчов ишлари аниқ бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун бақувват сим ва ленталар, бўлмаган ҳолда 30...50 ммгача бўлган рулеткалар ишлатилади.

ГОСТ 7502-80 бўйича металл рулеткалар очик (0)да ва ёпилган (3) корпусларида тайёрланади. Рулетка ленталари ясси (II) кўрсатилган хато чеки ярми, яъни 1мм бўлиши керак.

Хозирги кунда, ўқли нуқталарни монтаж горизонтига кўчириш куйидаги услублари маълум: эгилиш, оғишни проектлаш;

1-жадвалда теодолитларнинг асосий кўрсаткичлари келтирилди.

1-жадвал.

Кўрсаткичлари	Теодолитлар маркаси					
	T1 T1A	2T2 2T2A	2T5 2T5K	T15 T15K	T30 2T30	T30M
-Бир приёмда ўлчаш ўрта квадратик хато чеки, бур.с, Горизантал бурчак	1.0-1.3	2-3	5	15	30	30
Вертикал бурчак	1.5-2.0	2-3	7-8	20	45	45
-Вертикал бурчак ўлчаш чеки, градус	+75.-55	75.-55	65.-55	65.-55	55.-55	55.-55
-Кўриш трубасининг						

катталаштириш даражаси	30; 40	27.5	27.5	25	20	21
-Кузатилаётган энг кичик масофа, м.	5	2	2	1.2	1.2	1
-Лимб бўлаги қиймати ⁽¹⁾	10/10	20/20	1/1	1/1	10/10	1/1
-Баландлиги горизонтал ўқгача, мм.	245	225	335	210	175	200
-Оғирлиги, кг.						
Теодолит	9	4.8	4.2	3.1	2.2	3.0
Қутиси	4.5	4.0	4.0	3.4	1.0	3.5
Об-хавода ишлаш оралиғи, с ⁰	-25 +50 ⁰	-40 ⁰ +50 ⁰	-40 ⁰ +50 ⁰	-	-	-45 ⁰ +40 ⁰

Бурчак ўлчаш аниқлигини белгилаш шартларига бўлган талаблар.

2-жадвал.

Аниқликни белгиловчи шартлар	Ўлчаш аниқлигини белгиловчи шартлар		
	10''	20''	30''
Теодолитни ва ку-затиш маркаларини марказлаштириш	Уч шарнирли оптик шовунни қўллаган ҳолда		Шамол тасиридан химояланган шовун
Пунктларни маҳкамлаш	Пунктнинг бош метал қисмига ишлов бериб нукта белгилаш		Силлиқ юзага қалам билан ранг бериш
Ўлчашлар сони, тадан кам эмас	2	1	1
Теодолит тури	T5, T5K	T15	T30

ёки бўртган (В) ҳолатда бўлиши мумкин. Лента тортилган жойга айлана узуксимон (К) ёки предмет ўлчанганда қотириш учун ушлагич (Д) ёки юк (Г) : 0.2; 0.4; 0.6; 0.8; 1; 1.5; 2; буюрма бўйича. Рулетка шкалалари 2- 3- синф, узунлиги 1,2,3,4,5,20,30,50,75 ва 100м. шкаланинг учи олиб ташланган бўлиши (А) ва таг қисмига (Б) келиши керак.

Рулетка, ўлчагич ленталар (табл 6.7) зангламайдиган темир (Н), кенгайиш коэффиценти $20.5 \cdot 10^{-6}$ ва углеродли темир (У) емирилишдан сақлайдиган қатлам ва линияли кенглик коэффиценти $12.5 \cdot 10^{-6}$. рулетка шкалалари босма ёки печатли штрих миллиметрли ёки сантиметрли интервалда бўлади.

Рулеткаларнинг техник характеристикалари.

3-жадвал.

Кўрсаткичлар	Микдорларнинг сон қийматлари, мм.	Йўл қўярли хатолик чеки
Лента эни	5.6.7.8.9.10.11.12.13.14.15.16.	0.3мм
Лента қалинлиги	0.06; 0.08; 0.1; 0.12; 0.14; 0.16; 0.18; 0.2; 0.22; 0.24; 0.26; 0.3; 0.35; 0.4; 0.45; 0.5;	10%
Штрихлар кенглиги	0.1; 0.2; 0.3; 0.4; 0.5;	25%
Коррозияга қарши химоя қопламанинг қалинлиги	0.005; 0.01; 0.02; 0.03; 0.04; 0.05; 0.1; 0.2.	25%

Изох.3-жадвалда ленталарнинг қалинлиги каррозияга қарши химоя қопламасининг қалинлиги инобатга олинмаган ҳолда берилган.

Рулеткалардаги шкалалар оралиғидаги йўл қўярли хатолик чеки.

4-жадвал.

Шкала элементлари номи	Хақиқий узунликдаги йўл қўярли хатолик чеки,мм.	
	2-класс	3-класс
Миллиметрли бўлақлар	0.15	0.2
Сантиметрли бўлақлар	0.2	0.3
Дитциметрли ва метрли бўлақлар	0.3	0.4
1 м дан кам бўлган шкалаларнинг оралиғи	$0.3+0.15(L-1)$	$0.4+0.2(L-1)$

Изох: 1)L-малум оралиқдаги метр шкаласининг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаганлари сони.

2) 4-жадвалда рулеткалардаги шкалалар оралиғидаги йўл қўярли хатолик чеки, горизонтал столга 20⁰ли температурада тортилган қуйидаги рулеткаларнинг қийматлари кўрсатилган:

-98Н узунлиги 30 метр ва ундан кўп;

-49Н узунлиги 10 ва 20 метр;

-9.8Н узунлиги 1.2.3 ва 5 метр;

3) 3-класс метал, узунлиги 5 метрли рулеткаларга шкалалар оралиғидаги йўл қўярли хатолик чеки 2мм қилиб белгиланади.

ОПК2-30 АНТ/10 рулеткада чизикли ўлчаш аниқлигига бўлган талаблар 5-жадвалда берилди. Чизикли ўлчашдаги аниқликни белгиловчи шартларига бўлган талаблар.

5-жадвал.

Кўрсаткичлар	Чизикли ўлчашдаги аниқликни белгиловчи шартлар			
	1/10000	1/5000	1.2000	1/200
Номинал узунликдаги йўл қўярли хатолик чеки: -шкалалар умумий узун-лиги -кам оралиқлар бўйича Створ йўналиши бўйича	3 0.1 Теодолит билан йўналтириш	5 0.1 -	10 0.1 Кўз билан йўналтириш	- -
Асбобни тортиш	Динометр билан	-	Қўл билан	-
Компараторлаш ва ўлчашда хаво даржаси фарқини ўлчаш асбоби	термометр	-	Инобатга олинмайди	
Ўқлар сони	Шкаланинг турли қисмида 3 жуфтдан санок олиш	Шкаланинг турли қисмида 2 жуфтдан санок олиш	1 жуфт санок олиш	1 марта ўлчаш
Пунктларни белгилаш	Метали бош қисмида тирнаш йўли билан	Қаламда силлиқ юзага белгилаш		Шпилкада, михда
Рулетка охириги қисми нисбий баландликларини аниқлаш	Нивеллер билан	-	Кўз билан чамалаб	-

Ўлчаш линия натижалари ўлчаш асбоблари аниқлиги билан бирга, уларга ўзгариш киритиш билан эмас, балки аниқ ўлчов ишларини бажаришдир. Агар рулетка нотўғри жолаштирилган бўлса, нотўғри тортилган, учлари нотўғри ўрнатилган бўлса натижалар тўғри чиқмайди. Хатоликларни камайтириш учун кўрсатилган фактор камчиликларини бартараф этиш керак ва ўлчов ишлари қаттиқ назоратга олинishi керак. Масалан рулетка оптик асбоб ёрдамида ўрнатилади, у доимий равишда динамометр ёрдамида назорат қилиб борилади. Камчиликлар олдини олишда ўлчаш мобайнида лента ёки рулетка бир меёрда тортилган бўлиши керак. Аниқ ўлчашда 15 Н гача 100 Н ни этиборга олган холда бўлиши керак. Метал пластинадаги 0.2, 0.3мм қалам билан белгиланганда -0.5...1мм.

Ўлчашнинг инвар симлар билан ўлчангандаги аниқлиги

1/1000000, яъни 1мм 1км. Га. Светодолномер (0.5...20км), 1/100000 Рулетка билан ўлчашда 1/10000 (1мм 10м), лента 1/2000. Оптик далномер аниқлиги конструкцияга қараб 1/200...1/2000 интервалларда ётади. Вертикал ҳолатини контролга олиш- механик шовун ёрдамида амалга оширилади. Метали шовунлар (жадвал 6)махсус талаблар бўйича ишлаб чиқилади.

Метал шовунларнинг техник характеристикалари.

6-жадвал.

Шовунлар ўлчамлари турлари	Оғирлиги, кг.	Ўлчамлари, мм.			
		Умумий узунлиги	Шовун диаметри	Шнур, ип узунлиги	Шнур, ип диаметри
ОТ-100	0.1	63	18	3000	2
ОТ-200	0.2	115	18	3000	2
ОТ-400	0.4	115	26	5000	2
ОТ-600	0.6	130	30	5000	2
ОТ-1000	1	165	34	7000	2.5
ОТ-1500	1.5	200	38	10000	2.5

Баландлик катталигида нукталарни кўчириш (10мм дан) оптик иплар ўрнига темир симлардан фойдаланиш мумкин. Осилиб қолмаслиги учун у суюқликга ботириб олинади. Ип шамолда тебранмаслиги учун унинг юк массаси кўпайтирилади. Ўқ нукталарини монтаж горизонтига кўчириш усулида махсус оптик асбоблар (табл 10) ОЦП, ПОВП, PZL (ГДР) вертикал проектларда ва вертикал чизиқли визирлар ишлатилади.

Зенит-прибор PZL праектлаш вертикал асбоби жуда кўп тарқалган асбоб хисобланади. (3 расм). Асбоб чизиқ визирини автоматик компенсатор ёрдамида вертикал текисликда ўрнатилади. Компенсатор иш чегараси ± 10 . Трегер асбобида оптик центрик мавжуд.

Зенит асбоби:

Доиравий пуфакча

Санок микроскопи окуляри

Кўриш трубаси объективи


Кўриш трубаси

Фокусловчи крималера винти

Микрометрли винт

трелер

маҳкамловчи винт



3-расм

Асбоб визир ўқи стабилизацияси фақат бир текисликда жойлаштирилади. У шунинг учун вертикал нукталарни кўчириш бир-бирига боғланган перпендикуляр икки текисликга жойлаштирилиши керак. Труба айлана ўқлари визир линиялари чалкашиб кетмаслиги учун горизонт текисликда труба ўрнатишда хисоблаш полетка 0 ва 180, 90 ва 270

Бу асбоб кўриш трубаси катталаштирилиши ва тўғри кўрсатиш хислатига эга. Визир чизиғи вертикал бир холда тузилиши, призма системасида центрик оптик маркази компенсатор ёрдамида амалга оширади.

PZL проектлаш асбобидаги нуқта m_H

$$m_H = 0.3 + 0.014H,$$

H-проектлаш баландлиги, м

H=100м $m=1.68$ мм асбоб аниқлиги унинг юқори аниқликдаги асбоб эканлигидан далолат беради.

Теодолит бошланиш монтажининг проекцияси режали ҳолатга кўчирилганда монтаж горизонтига атайнага (11) координата белгиланган **полетка** ўрнатилади.

Аниқланган таянч нуқта ҳолати полеткада белгиланади, шу айвон ичига кўчирилади ва қум билан деталлари ёки буск билан бетонда белгиланади.

Вертикал лойихалаш асбобларининг техник характеристикалари

7-жадвал

Кўрсаткичлар	Турли хил моделдаги кўрсаткичлар қиймати									
	Зенит йўналиши бўйича визирлаш			Икки йўналиш бўйича нивелирлаш						Надир йўналишида визирлаш
	ОЦП	PZL	Telim	ПОВП	ZHL	OPL	ОДО	К-11	К-810	ZBL
Трубанинг ката- лаштириш даража.	31	31	42	31	10	22	2,5	2,8	4,2	5
Визирлаш чегараси, м.	3/500	2.2/500	2/600	3/500	0.6/100	0,8/100	0,3/30	0,5/30	0,3/30	0,3/20
Кузатиш майдони бурчаги қиймати,с.	1.3	1.3	-	1.3	5	1,5	4,5	8,3	6	-
Пуфакча бўлаги қиймати, с.	-	30	20	-	20	20	30	120	60	60
Компенсаторнинг ишлаш чегараси мин.	8	10	-	8	-	-	-	-	-	-
Асбоб баландлиги, мм.	150	335	350	150	170	160	-	-	-	100
Оғирлиги, кг.	7	3.7	7	5	2.6	3,7	0,9	0,9	1	1,5
Ишлаб чиқарувчи давлат.	Россия	Герман	Герман	Россия	Швейцар	Швейцар	Россия	Герман	Венгрия	Швейцария

Режа асосида нуқта олдида ўтиш оралиғи бўлмаган ҳолда монтаж горизонтига бинонинг ташқи тарафидан проектланади. Бу ҳолда монтаж горизонти асос нуқтаси махсус кронштейн (12) билан белгиланади. Вертикал ва оғиш ҳолатлар проектланганда лазер асбоблар ва системалардан фойдаланилади. Бу ҳолатда уч турдаги асбоблар: вертикал йўналиш; оғиш ҳолати; кўп мақсадлардга ишлайдиган асбоблардан фойдаланилади.

Бу асбобларга қуйидагилар мисол бўла олади: НОМТПС-Ярослав институтида яратилган биринчи турга талукли. PZL ва ОКГ-13. Визир нуқтаси лазер нури орқали окуляр ва асбоб объект қисмига вертикал равишда тушади. Чет элда ясалган APLOKПЗ (Польша) LL-132 ва бошқалар.

Иккинчи типдаги асбоблар текисликда оғиш ҳолларини аниқланиши.

Бу ҳолат махсус насадка ёки теодолитда оптик ўқи лазер билан ўтганда. Лазер нури кўриш трубасига беркитилган призма ёки ёруғлик берувчи асбоблар.

Кўп мақсадда ишлатиладиган асбоблар, масалан, ПИЛ-1 вертикал текислик, вертикал йўналиш, майдонларда нивелир ишларини бажаради.

Қурилиш амалиётида хархил конструсияли нивеллирлар ишлатилади. ГОСТ 10528-76* билан тасдиқланган нивелир конструсияси серияли чиқариш тасдиқланган (8-жадвал).

Нивеллирларнинг техник характеристикалари.

8-жадвал.

Кўрсаткичлар	Н-05	Н-3	Н-10
-1кмли тўғри ва тескари нивеллирлаш йўлидаги нисбий баландликнинг квадратик хатолиги, мм.	0.5	3	10
-станциядаги хатолик, нивеллирдан рейкагача бўлган масофалардан:			
30	0.15	-	-
50	0.2	-	-
100	-	2	5
-кўриш трубасининг катталаштириш даражаси, марта	40	30	20
-ЭНГ кичик кузатиш масофаси, м.	5	2	2
-нивеллер оғирлиги, кг.	6	3	2
-компенсаторнинг иш чегараси, мин.	+/-8	+/-15	+/-20
-кузатиш йўналишининг ишчи ҳолатга келишидаги хатолик	0.2	0.5	1

Нивелирларда компенсатор ва лимб шифрлари бўлса уларда Квал қўшилади.(Масалан, Н0.5К, Н10Л).

1200мм рейкалар бутун ҳолда,3000мм йиғиладиган ва бутун, 4000мм йиғиладиган ҳолда чиқарилади. (9-жадвал) Йиғиладиган рейкаларда узунлик кўрсаткичидан кейин қарори қўйилади(РН-10-4000С).

Нивеллер рейкаларининг техник характеристикаси.

9-жадвал.

Кўрсаткичлар	РН-05	РН-3	РН-10
-Рейка шкалалари бўлақларининг энг кичик қиймати,мм.			
асосий	5	10	10
қўшимча	5	10	10
-номинал узунликдаги энг кичик оралиғнинг йўл қўярли хатолик, мм.	+/-00.5	+/-0.2	+/-0.5
-2 жуфтлик нивелир рейраларинингўртача узунлик-ларидаги йзл қўярли фарқи. мм.	0.15	0.8	1.5
-нивелир тавонининг шкала бошланишига тўғри келиш аниқлиги	0.1	0.5	1
-рейка оғирлиги, кг, ммдан кам бўлмаган узунликда:			
4000	-	4.5	4.5
3000	6	3.5	-
1500	-	2.5	-
1200	2.6	-	-

I.4. Монтаж горизонтига нуқта, створ, йўналишларни ўрнатиш ва махкамлаш.

Қурилиш майдонларида бош ва асосий ўқлар вақтинчалик ёки доимий белгилар билан белгиланади. Ўқлар жойлашган жойлар генерал режада доимий, узоқ вақт сақланадиган қилиб белгиланади. Қурилиш монтаж ишларини бажаришда тўсқинлик бўлмайди.

Белги қўйилган жой геодезик асбобларни жойлаштириш, ўлчаш ишларини бошқариш учун қулай бўлиши керак.

Қурилиш майдонида жойлаштирилган белгилар планда кўрсатилгандек қотирилган баландликда ўрнатилади. Улар ер ишлари олиб бориладиган зонадан ташқариди бўлиши керак. Қурилиш материалларини тахлаш, ватинчалик иншоотлар қуришда халақит қилмаслиги керак.

Бош ва асосий конструкция белгиларини қўйишда қурилиш материалларининг хажми, буюм ва конструкциялар, қурилиш муддати, услуб турлари ва тақсимлаш иш турлари яратилган иш шароитига боғлиқ бўлади.

Вақтинчалик белгилар метал қозиқлар, труба бўлаклари, ёғоч қозиқлар ва хакозо. Вақтинчалик белгилар ўқларда бўёқ ёки уларнинг юқори қисмига мих қоқилади.

Доимий белгилар конструкция хилма-хил бўлади.

Ўқларни белгилашда кўпинча грунт баландлик белгиларидан фойдаланилади. Грунт белгилари қурилиш-монтаж ишлари бошланмасдан олдин бино таг қисмида бўлади. Доимий грунт белгилари диаметри 60...100мм метал трубаларидан, ёки расмларда улар таг қисмига пластикалар сварка ёрдамида беркитилади. **Якорлар** ёрдамида труба ва релслар бетон бетон монолитига қўйилади. Юқори қисмига 150x150мм ёки 200x200мм квадрат пластикалар сваркаланади, қалинлиги 10...15мм. Бу пластикаларга крести белгиси қўйилиб ўқ ҳолати кўрсатилади. Пластика ўқини проект ҳолатида бўлишга ёрдам беради. Труба ва релслар 250...300мм, чуқурлиги 1...2м бўлган скважиналарга ўрнатилади. Ундан кейин юқорисигача яни таги бетонланади ёки шлак, қуруқ қум билан тўлдирилади.

Улар узоқ сақланиши учун грунт ўз белгилари тахта ёки метал баландлиги 1м ли учбурчак ёки квадрат 1.5...2м. ўралади. Ўқларни ушлаб турувчи белгилар ўқларни **обноскога** олишда бино цокол ва бошловчи горизонт бино қурилишда хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ўқларни монтаж горизонтига кўчиришда оғиш услуби қўлланилишига ёрдам беради.

Қурилиш **обноски** бино ўқлари қисмларини, бино таг қисми иш циклларини қотиришда хизмат қилади.

Обноска 500...600мм баландлиги ердан ўқларга паралел қилиб бино ташқи контури (расм) қурилиш мобайнида ўзгармас ҳолатда бўлган масофада ўрнатилади. Бино конфигурациясига қараб обноска конструкциялари ҳар хил бўлиши мумкин. Яхлит обноскалар қурилиш таг ишларини олиб боришда конфигурацияси мураккаб бўлганда бино периметрии бўйича қўйилади. Конфигурация оддий бўлганда фақат таг қисми монтаж ишларига тегишли ўқларга қўйилади. Агар бино қирчаларда қурилса, яхлит зинапояли обноска қўйилади.

Столбли обноскалар алоҳида столблардан иборат бўлиб уларга ўқ қўйилади. Бу обноскалар ер таги коммуникация ишларида, теплица ва бошқа ҳолларда қўлланилади. Энг рационал ва эффектли бўлиб инвентар метал обноскалар ҳисобланади, улар жуда кўп турда бўлади. Улар яхлит ва йиғма бўлади.

Текислик обноска асоси ва ўқлари михлар билан ёки тахталарга кесмалар билан белгиланади. Метал симлар ўқга мих билан боғланади ёки тешиклардан узатилади.

Текисликдаги бўёқ билан белгиланган белгилаш оддий йўллардан бири ҳисобланади. У ювилиб кетмайдиган бўёқлар билан бўялади. Марказ икки бўёқда қўйилиб ўқнинг йўналишини (расм) кўрсатади. Учбурчак тўғри бурчаклари кесишиш нуқталари икки перпендикуляр ўқларнинг кесишишини кўрсатади.

Вертикал ва горизонтал текисликдаги конструкциялар нафақат бўёқ билан балки бетонли столбаларга чизиш йўли (вертикал текисликда) ёки сферик (горизонтал текислик) марка ёки қисмлари калонна устига чизилиш йўли билан белгиланади.

Нуқталар туташган жойлар бўяшдан ташқари керилаш ёки диаметри 3...5мм гача бўлган чуқурлик ўйиш усули билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари нуқталарни тез топишда яхши сақланиши учун рангли метал симлар билан **чеканкалаб** қўйилади (алюминий, мисс, бронза). Ўқларнинг кесишган жойи дюбели қурилиш писталети билан ҳам белгиланиши мумкин.

II-Боб. Монтаж горизонтига ўқларни, баландликларни кўчириш технологияси сифатини баҳолаш.

1. Монтаж горизонтига ўқларни баландликларни қия лойихалаш.

Нуталарни лойихалаш. Ўқларни монтажли горизонтга кўчириш бинолар тўлиқ қурилишда оғиш лойихасини аниқлашда кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бу усулда оптик ёки ҳар хил конструкцияли лазерли теодолитлардан фойдаланилади.

Бу усулда теодолит створ ўқи (расм) ўрнатилади, кўриш трубасти визир нишонига қаратилади, иккинчи створ нуқтаси М горизонт боши бино фасади ёки ёнига қаратилади. Тахминан шу ўқ створига монтаж горизонтига штативга визир маркаси ўрнатилади. Шунга ўхшаш операциялар теодолитда иккинчи айлантирилганда ҳам ишлатилади. Бу ҳолат ўқ нуқта тўлиқ айланган ҳисобланади.

Икки риск орасидаги масофа теодолит айланасида вертикал равишда олинган икки ҳолат лойихаланган усти иккига бўлинади ва ўртача нуқта ўқиға тенг. Бу усул қурилиш майдонида ката очиқ майдон территориясини талаб қилади. Створ нуқта ва ўқни ушлаб турувчи тўртта вариант мавжуд монтаж горизонтига лойихалаштирилган.

Ўқни икки нуқта А ва В (расм а ва в) билан бириктириш мумкин. Марка орқали ёпилган жойга с нуқта ўқи (а расм) ёки деворга чиқарилади, монтаж горизонтидан ва риск (в расм). Агар, б расмда (б) ўқ нуқта А билан бирлаштирилса ва цокол деворига нуқта С марка орқали ёпилган айвонча ўтказилади. (г расмда) теодолитда тахминан ўтказилиши мумкин, бу ҳолда ўқ ва нуқта В вертикал монтаж горизонтида лойихаланади.

Умумий формула ўртача


$$m = \sqrt{m_H^2 + m_B^2 + m_F^2 + m_{ЦП}^2 + m_{ВУ}^2 + m_N^2}; \quad (1)$$





m_H , m_B , m_F , $m_{кр}$, $m_{ВУ}$, m_N -ўқга бўлган оғиш ўртача квадратик.

$$\text{Алоҳида кўрилганда } m_H = 0.5T'' \text{ Н/Р}, \quad (2)$$

Т-горизонтал айлана текислик бўлиш баҳоси; Н-проект нуқтаси баландлик фарқи.

4-расм. Қия лойихалаш усулида монтаж горизонтига ўқларни кўчириш.





5-расм. Қия визирлаш усулида ўқларни лойихалаш.

Агар формула бурчак Н дан оғиш десак а теодолит ўқи визири ва бино билан асбоб масофаси S

$$m_H = 0.5 T'' \text{Stgd} / \rho''; \quad (3)$$

Визирлаш қуйидаги формула (кўриниш аниқ бўлмаса)

$$m''_{\beta} 60'' s / \nu \rho''; \quad (4)$$

Ўртача кўринишда

$$m''_{\beta} 40'' s / \nu \rho''; \quad (5)$$

Яхши кўринишда

$$m''_{\beta} 20'' s / \nu \rho''; \quad (6)$$

V-Теодолит кўриш трубаси катталиги: S-визир нуқта масофаси. Монтаж горизонтида лойихалаш ўқи икки бор визирдан ўтказилса визир маркаси, ўқ створини бириктиришга, кейин мўлжалга лойиха нуқтасига, визир қуйидагича

$$m''_{\beta} 60'' \sqrt{S_1^2 + S_2^2} / \nu \rho''; \quad m''_{\beta} 40'' \sqrt{S_1^2 + S_2^2} / \nu \rho''; \quad m''_{\beta} 20'' \sqrt{S_1^2 + S_2^2} / \nu \rho''; \quad (7)$$

S1 ва S2 –теодолитдан то визир маркасигача ва визир нишонига ўрта квадратик белги m_{ϕ} монтаж горизонтидаги нуқта фиксация ва 0.3...1.2мм ни ташкил қилади.

Марказлаштириш ва редукция формуласи.

$$m_{\text{цп}}^2 = \frac{e^2}{2} \left[\left(\frac{S_1 - S_2}{S_2} \right) + \left(\frac{S_1}{S_2} \right)^2 \right] \quad (8)$$

L-асбоб марказлаштиргичи, $L = \pm 0,5\text{мм}$, ипли шовун $L = \pm 1\text{мм}$

Агар кўчиришда ўқ визир нишонига битта вертикал текисликда монтаж горизонти ўқи марказлаштирилиши нолга тенг, $m_{\text{цп}}$ визир нишони L1 бўлади. Редукция бу шароитда нолга яқин, агар нуқтага визирланса горизонт бош ҳолати $m_{\text{цп}}$ нолга яқин. Бу айниқса ўқ кўчирилганда теодолит ва визир нишонлари ипли юк осишда малум бўлади.

Ташқи ҳолат $m_{\text{в.у}}$ тасири қийин ҳолларни юзага келтиради, шунинг учун улар қоида бўйича ҳисобга олинмайди ёки уларни тасири юқорида кўрсатилган бази ҳолларга тасири бор. Ташқи ҳолатни этиборга олиб $m_{\text{в.у}}$ қийин ҳолат унинг учун қоида бўйича уларнинг тасири ҳисобга олинмайди ва улар юқорида кўрсатилган формулаларга асосан амалга оширилади. Бу рухсат берилган ҳоллар ўқ ҳолатлари этиборга олиниб нуқталарни базис сетига (бошланғич малумот m_H , системали характерга ва бағзис сети қуришда аниқликни талаб қилади.

Шуларни этиборга олган холда m_H , m_B , ва $m_{\text{цп}}$ (5а расм).

$$m = \sqrt{m_H^2 + m_B^2 + 3m_{\text{цп}}^2} \quad (9)$$

Ва кенгайтирган холда

$$m_a = \sqrt{\frac{0,25T''^2 H^2}{P''^2} + \frac{1600''}{V^2} + \frac{3L^2}{2} \left[\left(\frac{S_1 - S_2}{S_2} \right)^2 + \left(\frac{S_1}{S_2} \right)^2 \right]} \quad (10)$$

Умумий турда (б расм):

$$m_{\delta} = \sqrt{m_H^2 + m_B^2 + 2m_{\text{цп}}^2} \quad (11)$$

Кенгайтирилган холда

$$m_{\delta} = \sqrt{\frac{0,25T''^2 H^2}{P''^2} + \frac{1600''}{V^2} + L^2 \left[\left(\frac{S_1 - S_2}{S_2} \right)^2 + \left(\frac{S_1}{S_2} \right)^2 \right]} \quad (12)$$

Умумий турда (17в расм):

$$m_{\varepsilon} = \sqrt{m_H^2 + m_B^2 + m_{\Phi}^2 + 2m_{\text{цп}}^2} \quad (13)$$

Кенгайтирилган холда

$$m_B = \sqrt{\frac{0,25T''^2H^2}{P''^2} + \frac{1600''}{V^2} + L^2 \left[\left(\frac{s_1 - s_2}{s_2} \right)^2 + \left(\frac{s_1}{s_2} \right)^2 + m_\Phi^2 \right]} \quad (14)$$

Умумий турда

$$m_r = \sqrt{m_H^2 + m_B^2 + m_\Phi^2} \quad (15)$$

Кенгайтирилган холда

$$m_r = \sqrt{\frac{0,25T''^2H^2}{P''^2} + \frac{1600''}{V^2} + m_\Phi^2} \quad (16)$$

формулалардан келиб чиқиб, хулоса қилсак, юқори аниқлик амали (5г расм) m_H оғиш бурчакни катталаш визир ўқи а ва масофа s ошади; визир тўғри масофа пропорционал асбобдан то визир маркасигача бўлади. Ушбу усулнинг камчилиги, биринчидан ўқ қисқариш аниқлиги пастлиги, баланд бинолар қуришда талабга жавоб бермайди, иккинчидан створ белгилар жойлаштириш талаби, қурилиш территориясида шароитнинг йўқлиги ва хоказо.

2. Монтаж горизонтига йўналишни лойихалаш.

Бу услуб ўқларни монтаж горизонтига кўчиришда аниқлигини оширишда жуда қўл келади. Кўчириш услуги (3). Теодолит пункт 1 (18а расм) га ўрнатилади ва этап цокоliga ўқ бўялган текисликдан вертикал монтаж горизонтига, створга ўрнатилиб штативга 0.5...0.8м бино фасадида

узоқликда ўрнатилади. Марка ўрнатилгандан кейин вертикал текисликка айлана икки ҳолатда 1 пункти визирланиб, А нукта 180° бурчак бинонинг қарама қарши томонида (18б расм, нукта в) ва А, В ўқлар бўёқланиб, ҳар бир монтаж горизонти конструсиyasi белгиланади. Текшириб кўриш учун теодолит марка ўрнига в ва бурчак β (18в расм) 180°. Контрол ўлчаниш бурчаги 180°дан олиниб, ҳар қисмлар ҳолатида ҳар хил бўлиши мумкин, чунки нукталар масофаси ВА ва В1 монтаж горизонти баландлигига боғлиқ.

Агар иложи бўлса I-II ўқлар қўшни биноларда (7-расм) бўёқ билан белгиланади, теодолит қурилатган бино цоколида ўрнатилади, бундан кейинги ҳолатлар ўрганилади.

Қўшни бинолар створига ўрнатилган бўёқли ўқ ҳамма монтаж горизонтидан кўриниб турса, теодолит монтаж горизонти СД створ нуктасига ўрнатилади (20 расм) ва ўқ монтаж горизонтига ўрнатилади. Ўқлар аниқлигини бу услуб билан бажарилганда қуйидагилар келиб чиқади:

Нукталар устида марказ


$$m_{\text{ц}} = \pm \frac{L}{\sqrt{2}} - \left(1 - \frac{d}{s}\right) \quad (17)$$

L- теодолит марказидан ўтган чизик катталиги; d-бино цоколи масофаси; S-монтаж горизонти маркасигача бўлган масофа:

Визирлашда визир ва марка белгиси

$$m_{\text{в}} = \pm 20'' \sqrt{s^2 + d^2 / \nu p''} \quad (18)$$

V-теодолит кўриш трубасини катталаштириш;




6-расм. Йўналишларни лойихалаш схемалари.


а) маркага визирлаш;

б) бино ўқида жойлашган нуқтага визирлаш, труба зенит ўқи бўйича айлантрилиб нуқтага визирланади;

в) назоратли визирлаш;



7-расм. Створдаги нуқтани қия лойихалаш усулида монтаж горизонтига кўчириш схемаси.



8-расм. Ўқни створ усулида ўтказиш схемаси.

Горизонтал айлана алидада сатхининг цилиндрик ўқга перпендикуляр бўлмаслиги теодолит ўқи айланиши

$$m_{vp} = 0.2T \sqrt{S^2 - d^2 / p''} \quad (19)$$

T-теодолит сатхи цилиндр бахоси; теодолит створ ўрнатиш.

$$m_{CTB} = m'' \beta d_1 d_2 / p'' (d_1 + d_2) \quad (20)$$

$m''\beta$ -бурчак ўлчашда олинган ўртача квадрат бирлик; d_1 -теодолитдан бино створи масофаси.

Монтаж горизонти m_ϕ , белгилаш ва услуб (қалам, шпилка, скалпел ва хокозо) 0.5-1.0мм 0.5...1мм.

$$\text{Бурчак } \beta = 180^\circ \quad (21)$$

$$m_\pi = m'' \beta S / P''$$

S-монтаж горизонт теодолитдан то монтаж rischi масофаси.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар этиборга олиниб, кутилган ўртача квадратик ҳолат қуйидагича;

Биринчи ҳолат (расм)

$$m_1 = \sqrt{m_\pi^2 + 3m_B^2 + 2m_{YP}^2 + m_\pi^2 + m_\phi^2} \quad (22)$$

Иккинчи ҳолат

$$m_2 = \sqrt{m_{CTB}^2 + 2m_B^2 + 2m_{YP}^2 + m_\pi^2 + m_\phi^2} \quad (23)$$

Учинчи ҳолат (расм)

$$m_3 = \sqrt{m_{CTB}^2 + m_{YP}^2 + m_\phi^2} \quad (24)$$

Мисол. Бурчак ўқлари ва створлар ўлчами теодолитда TS да чизиқли 50 метрли темир рулетка, унда $d=d_1=S_1=50\text{мм}$, $S=70\text{мм}$, $d_2=150\text{мм}$, $L=0.5\text{мм}$, $V=30^{\text{х}2}T''=20''$, $m_\beta''=5''$, $m_\phi=1\text{мм}$ бўлганда $m_1=3\text{мм}$, $m_2=2.6\text{мм}$ ва $m_3=1.5\text{мм}$.

Кўрсатилган мисол бир хил шароитда олинган аниқлик натижаси 3-усулда ва оддий эффектли эканлигини кўрсатиб турибди.


Шу усулда бош ва базис ўқларини оддий чизиқли ўлчовлар белгисини монтаж горизонтидаги барча ўқ нуқталарини қурилаётган конструкцияга ўтказиш мумкин.

3. Монтаж горизонтига қия ёнбошли лойихалаш.

Замонавий қурилиш, бино иншоотлар секцияларнинг кўплиги баландлиги юқорироқ бўлиш тенденциясига эга. Улар қурилиш жараёнида қоида бўйича ҳар хил горизонтларда қурилади. Бу усул ёнбош оғишини ўқга ўтказишда ва вертикал ҳолатини лойихалашда анча қийинчиликларни келтиради.

